

ДЕГРЕЗ СУВОМБОРИ ҚИРҒОҚ БЎЙИ ТОРОН ЎСИМЛИГИ НЕМАТОДАЛАР ФАУНАСИ

Рахматуллаев Баҳодир Аманович

Термиз давлат университети, доцент, Термиз, Ўзбекистон

Аннотация. Мақолада Дегрездаги сув ўсимликлари, қирғоқбўйи ўсимликлари ва таронларнинг нематода фаунаси ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар натижасида 12 турдаги нематодлар қайд этилган бўлиб, улар 6 та жинс ва 3 та экологик гуруҳга мансуб экани аниқланган. Экологик гуруҳлар бўйича параризобионтларнинг кўплиги қайд этилган.

Калит сўзлар: фауна, сув омборлари, фаунистик спектр, эркин яшовчи нематодлар, паразит нематодлар, экологик гуруҳлар.

НЕМАТОДНАЯ ФАУНА РАСТЕНИЙ ТАРАНА НА БЕРЕГУ ДЕГРЕЗСКОГО ВОДОХРАНИЛИЩА

Рахматуллаев Баҳодир Аманович

Термезский государственный университет, г. Термез, Узбекистан

Аннотация. В статье представлены сведения о нематодофауне водных растений Дегреза, прибрежных растений и тарона. В результате исследований зарегистрировано 12 видов нематод и установлено, что они принадлежат к 6 родам и 3 экологическим группам. По экологическим группам отмечено большое количество параризобионтов.

Ключевые слова: Фауна, водохранилищ, фаунистический спектр, свободноживущие нематоды, паразитические нематоды, экологические группы.

NEMATODE FAUNA OF TARAN PLANTS ON THE SHORE OF THE DEGREEZ RESERVOIR

Rakhmatullaev Bakhodir Amanovich

Termez State University, Termez, Uzbekistan

Abstract: This article provides information on the nematode fauna of the Degrez water plant, the coastal plant, and the thoron plant. As a result of the study, 12 species of nematodes were recorded, and it was determined that they belong to 6 genera and 3 ecological groups. A large number of pararhizobionts was recorded according to ecological groups.

Key words: Fauna, reservoir, Faunistic spectrum, free-living nematodes, parasitic nematodes, ecological groups.

Нематодалар макробентос компонентлари учун муҳим озуқа сифатида, сувнинг ифлосланиш даражасини кўрсатувчи индикатор сифатида фойдаланиш ва сув ҳавзаларининг унумдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли сув омборларида эркин яшовчи ва фитопаразит нематодаларнинг эколого-фаунистик ҳолатини баҳолаш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот ишлари 2023-2024 йилларда 25 апрелдан 25 сентябргача ўтказилди. Тўпланган намуналар Термиз давлат университети Зоология кафедраси қошидаги фитогельминтология муаммоли лабораториясида анализ ва таҳлил ишлари олиб борилди. Доимий препаратлар тайёрлашда Сайнхорст [5; 67-69-б.] услубидан фойдаланилди.

Турни аниқлаш учун Micoletzky [3; 650 б.] томонидан модификация қилинган de Man [4; 104 б.] формуласининг морфометрик кўрсаткичларидан фойдаланилди.

Фаунистик тадқиқотлар натижасига кўра торон (*Polygonum hydropiper* L., 1753) ўсимлигида 12 турга мансуб 311 индивид аниқланди.

Тадқиқотлар давомида торон (*P. hydropiper*) ўсимлигида аниқланган нематодаларнинг устунлик даражаси Krogerus [109; 1-239-б.] классификацияси бўйича аниқланиб, 3 гуруҳга ажратилди: Торон ўсимлигида аниқланган доминант нематодалар – 7 та турни (*L. dadayi*, *L. pseudostagnalis*, *P. filiformis*, *E. pratensis*, *R. terrestris*, *P. parainquirendus*, *P.*

wescolagricus), субдоминантлар - 3 та турни (*T. pellucidus*, *P. salinarim*, *A. terricola*), рецедент турлар аниқланмади. Субрецедентлар эса 2 та турни (*T. gracilis*, *A. buetschlii*) ўз ичига олади.

Торон ўсимлигида аниқланган нематодалар 6 та туркумга мансуб бўлиб, улар орасида турлар сони бўйича Dorylaimida туркуми вакиллари етакчи ўринни эгаллаб (3 тур), жами аниқланган турларнинг 25,1% ини ва Chromadoridae туркуми (3; 25,1%) вакиллари эгаллади. Кейинги ўринларни Enoplida (2; 16,6%), Araeolaimida (2; 16,6%), Rhabditida (1; 8,3%), Tylenchida ((1; 8,3%) туркумлари вакиллари ташкил этди.

Enoplida туркуми 1 та кенжа туркум: Tripyloidina; 1 та оила: Tobrilidae; 1 та кенжа оила: Tobrilinae; 1 та авлод: *Tobrilus* ва 2 та турни (жами аниқланган турларнинг 16,6%) ва жами 12 та индивидни (аниқланган нематодаларнинг 3,8%) ўз ичига олади.

Dorylaimida туркуми 1 та кенжа туркум: Dorylaimina; 1 та катта оила: Dorylaimoidea; 2 та оила: Dorylaimidae, Paradorylaimidae; 2 та кенжа оила: Dorylaiminae, Paradorylaiminae; 2 та авлод: *Laimydorus*, *Paradorylaimus*; 3 турдан (25,1%) иборат. Жами 138 та (44,5%) индивидни ўз ичига олади.

Chromadorida туркуми 2 та кенжа туркум: Chromadorina, Cyatholaimina; 1 та катта оила: Cyatholaimoidea; 3 та оила: Chromadoridae, Cyatholaimidae, Ethomolaimidae; 3 та кенжа оила: Chromadorinae, Cyatholaiminae, Ethomolaiminae; 3 та авлод: *Punctodora*, *Acromadora*, *Ethomolaimus*; 3 тур (умумий аниқланган турларнинг 25,1%) ва жами 41 та (аниқланган нематодаларнинг 13,1%) индивиддан иборат.

Araeolaimida туркуми 1 та кенжа туркум: Araeolaimina; 2 та оила: Rabdolaimidae, Plectidae; 2 та кенжа оила: Rabdolaiminae, Plectinae; 2 та авлод *Rabdolaimus*, *Plectus*; 2 та турни (барча аниқланган турларнинг 16,6 %) ўз ичига олади. Жами 99 та (умумий аниқланган индивидларнинг 31,9%) индивиддан иборат.

Rhabditida туркуми 1 та кенжа туркум: Cephalobina; 1 та катта оила: Cephaloboidea; 1 та оила: Cephalobidae; 1 та кенжа оила: Acrobelinae; 1 та авлод: *Acrobeloides*; 1 та тур (8,3%), жами 2 та (0,6%) индивиддан иборат.

Tylenchida туркуми 1 та кенжа туркум: Tylenchina: 1 та оила: Pratylenchidae; 1 та кенжа оила: Pratylenchinae; 1 та авлод: *Pratylenchus* ва 1 та тур (барча аниқланган турлар сонининг 8,3%) ва жами 19 та (аниқланган нематодалар сонининг 6,1%) индивиддан ташкил топган.

Торон ўсимлигида аниқланган нематодалар А.А. Парамоновнинг экологик классификацияси бўйича [1; 338-369-б.], бўйича 3 та экологик гуруҳга мансуб бўлиб, параризобионтлар – 10 та тур (жами аниқланган турларнинг 83,4%), 290 та (жами аниқланган индивидларнинг 93,3%) индивид; девисапробионтлар 1 та турни (8,3%), 2 та (0,6%) фитонематода; касаллик келтириб чиқарадиган фитогельминтлар 1 та турни (8,3%), 19 та (6,1%) индивидни ўз ичига олади. **3-** Аниқланган турларнинг экологик гуруҳлар бўйича тақсимланиши (турлар ва индивидлар сони ва уларнинг % кўрсаткичи).

Параризобионтлар гуруҳи қуйидаги туркумлар: Enoplida, Dorylaimida, Chromadorida, Araeolaimida ва Tobrilidae (2 тур; 16,8%), Dorylaimidae (2; 16,8%), Nygolaimidae (1; 8,3%), Chromadoridae (1; 8,3%), Cyathaloimidae (1; 8,3%), Ethomoloimidae (1; 8,3%), Rabdolaimidae (1; 8,3%), Plectidae (1; 8,3%), оила вакиллари ўз ичига олади.

Девисапробионтлар гуруҳи Rhabditida туркуми, Cephalobidae оиласига мансуб 1 та турни ўз ичига олиб, жами аниқланган турларнинг 8,3% ни ташкил қилди.

Касаллик келтириб чиқарадиган фитогельминтлар Tylenchidae туркуми Pratylenchidae оиласига мансуб 1 та турни (8,3%), 19 та (6,1%) индивидни ўз ичига олади. Учқизил сув омборида қирғоқ бўйи торон ўсимлиги илдизи ва поя қисмидан аниқланган жами 12 тур нематодалардан 1 та тури (*P.salinarim*) Ўзбекистон фаунаси учун илк бор учраганлиги қайд этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Парамонов А.А. Опыты экологической классификации фитонематод // Сб. науч. трудов. ГЕЛАН СССР. – М., 1952. - Т.6. - С. 338-369.
2. Рахматуллаев Б. А. Фауна нематоды береговой растительности южносурхонского водохранилища //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2017. – №. 4-6. – С. 24-27.
3. Рахматуллаев Б. А., Эшназаров к. Испытание растительных отходов, как средство борьбы с галловыми нематодами //Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси. – 2018. – С. 20.
4. Micoletzky G. Die freilebenden Erd-Nematoden, mit besonderer Berücksichtigung der Steiermark un der Bukowina, zugleich mit einer Revision samtlicher nicht mariner, freilebender Nematoden in Form von esenus-Beschreibungen und Bestimmungs-schlüsselh // Arch. Naturgesch. -1922. Ant. A. – Vol. 87. - 650 p.
5. De Man J.G. Die einheimischen, frei in der reinen erde und im siissen wasser Lebenden Nematoden. - Tijdschr // Nedrl. Dierk. Vereen, 1880. – V.5. - 104 p.
6. Seinhorst J.V. Быстрый способ перевода нематод из фиксатора в безводный глицерин // Nematologica. 1959. Т.4. - С. 67-69.